O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



2000 йил 9 август чоршанба

Сотувда эркин нархда

№ 153 (2450)



**Бундан икки-уч йил муқаддам мамлакатимиз пойтахтида бўлган киши Тошкентнинг бугунги жамолидан, бу ердаги улкан қурилишлардан ҳайратланиши табиий. Юксак меъморчилик анъаналари ўз аксини топган маъмурий ва турар жой бинолари, шарқона ва Оврупо меъморчилиги уйғунлашиб, ўзгача жозиба кашф этган сўлим гўшалару хиёбонлар, манзилларни манзиллар билан боғловчи кўприклар... Буларнинг барчаси**

**мустақиллик иншоотларидир.**

## «ҚАТОРТОЛ» «ГАВҲАР»ГА ҚЎЛ ЧЎЗДИ

Аслида бунёдкорлик халқимизнинг қонида бор. Балки ўзи яшаётган юрт фаровонлигига ҳисса қўшиш, уни янада обод қилиш, янги-янги қурилишлар бунёд этиш ҳар бир фидойи юртдошимизнинг эзгу аъмолига айланганлиги шундандир.

Бугун пойтахтимизнинг "Собир Раҳимов" метросидан то "Отчопар"буюм бозорига қадар давом этган катта йўл оралиғи чинакам қурилиш майдонига айланган. Замонавий техника воситалари — Германияда ишлаб чиқарилган асфальт ётқизгичлар, йўл фрезалари,Швецияда ишлаб чиқарилган зичлагичлар — буларнинг барчаси йўл қурувчиларининг тез ва соз иш бажаришларига қанот бўлмоқда. Қурилаётган йўл ва кўприк ҳар куни ўзгача қиёфа касб этмоқда.

— Қурилишда иш уч сменада ташкил этилган, — дейди "Тошйўлқурилиш" тресги бош муҳандиси Равшан Гадойбоев. — Мақсадимиз энг улуғ, энг азиз байрамимизгача қурилишни тугаллаб, шаҳримиз кўркига кўрк қўшиш, шунинг баробарида йўл транспорти қатнови қулайлиги ва мунтазамлигини таъминлашдир.

"Автойўл" концерни буюртмасига асосан, ушбу иншоотни "Автомагистраль" бирлашмаси, "Тошйўлқурилиш" трестининг бошқармалари ва бошқа қурилиш жамоалари,жами мингдан зиёд қурувчилар бунёд этишаётир. Аслида тўрт йилда қурилиши лозим бўлган ушбу иншоотни атиги тўрт ойда қуриб битказиш кўзда тутилган. Шунингдек, бу ерда "Собир Раҳимов" метро бекатидан то "Тошкент" автобекатига қадар йўлости йўли қурилиши ҳам давом этмоқда.

Жаҳон андозаларига хос ва мос бўлган саккиз тасмали ушбу автомобил йўли, "Қатортол" ва "Гавҳар" кўчаларини туташтирувчи кўприкнинг қуриб битказилиши фидокор қурувчиларимизнинг Мустақиллик байрамига туҳфаси бўлиши, шубҳасиз.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА.**





**СУРАТЛАРДА:** йўл ва кўприк қурилишларидан лавҳалар.

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ, Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.**

## ЖИЗЗАХ ХАЛҚАРО ТУРНИРГА ТАЙЁРЛАНЯПТИ

Кеча вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда халқаро мусобақалар мақомини олган «Пахтакор-79» хотира турнирини уюшқоқлик билан ўтказишга бағишланган масалалар муҳокама этилди.

Гап шундаки, жиззахликлар халқаро турнирдаги «Ўзбекистон — Украина» фахрий футболчилари учрашувини томоша қилиш шарафига муяссар бўлишади.

Мустақиллик байрами тантаналарига ҳамоҳанг футбол ўйини марказий «Жиззах» стадионида ўтказилади. Шу муносабат билан байрамона безатилган стадионга минглаб томошабинларнинг ташрифи кутилаяпти. Улар меҳмонлар сафида Игор Беланов, Алексей Михайличенко, Анатолий Демяненко каби таниқли футболчилар ҳамда собиқ пахтакорчилардан Василис Ходзипанакис, Андрей Якубик, Александр Яновский каби чарм тўп усталарининг ўйинларидан баҳраманд бўлишади.

**Ўз мухбиримиз.**

### Олий Мажлис қўмитасида

## СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон судьялари ассоциациясининг ҳамкорлигида парламентимизнинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрирда) лойиҳаси муҳокамасига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, суд, прокуратура ва адлия идораларининг вакиллари, олимлар ва бошқалар қатнашдилар.

Семинарда мамлакатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларда мазкур қонуннинг ўрни, унга киритилиши мўлжалланаётган асосий ўзгартишлар ва қўшимчаларнинг моҳияти, аҳамияти ҳақидаги турли хил маърузалар тингланди.

Семинар иштирокчилари бўлиб ўтган очиқ ва қизғин мунозараларда қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр, мулоҳазаларини баён этдилар ва уни янада такомиллаштириш ҳақидаги таклифларини билдирдилар.

## РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги мажлисида Марказий банк лицензиясига эга бўлган айрим корхоналар фаолиятининг Вазирлар Маҳкамасининг "Марказлаштирилган валюта ресурсларидан истеъмол товарларини импорт қилиш учун фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори талабларига мувофиқлиги билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Уни мазкур комиссия раиси, Марказий банк раиси Ф.Муллажонов бошқарди.

Мазкур комиссиянинг махсус ишчи гуруҳи ҳамда ваколатли банклар томонидан ўтказилган таҳлил материаллари лицензияга эга бўлган бир қатор корхоналарнинг истеъмол бозорини товарлар билан бойитишга қаратилган ишлари қониқарсизлигидан, амалдаги савдо тартиби бузилаётганлигидан далолат бераётгани маълумот учун қабул қилинди.

Мажлисда лицензия эгалари бўлган айрим корхоналарнинг раҳбарлари импорт битимларини ўз вақтида тузишга, истеъмол товарларини олиб келишга масъулиятсиз муносабатда бўлаётгани, шунингдек, мавжуд товарларни сотиш ва улардан тушган тушумни белгиланган тартибда инкассация қилишни атай кечиктириш ҳолларига йўл қўяётганлиги таъкидланди.

Юқорида қайд этилганларни инобатга олиб, Республика пул-кредит комиссияси 40 та корхона ва ташкилотни Марказий банкнинг сўмларни эркин айирбошланадиган валютага устувор равишда айирбошлаш ҳуқуқини берувчи лицензиясидан маҳрум этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу билан бирга, Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш ҳамда рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, ваколатли банкларга валюта айирбошлаш учун бериладиган квотадан самарасиз фойдаланаётган корхоналарни лицензиялардан маҳрум қилиш масалаларини Комиссия муҳокамасига мунтазам равишда киритиб бориш тавсия этилди.

**(ЎзА).**

Огоҳлик

## ЗИЙРАК ЗАКОВАТ

Зийрак, дунё ишларидан бохабар ҳар қандай инсон жаҳондаги бугунги эврилишлардан, воқеаларнинг асл моҳиятидан, башарият олдида турган мусбат ва манфий кўринишли муаммолардан ўзича тўғри хулоса чиқара олади. Зийраклик ҳар қандай воқеа ва ҳодисалардан эл-юрт манфаатига хизмат қиладиган томонларини юзага чиқариш учун курашиш ҳам демакдир. Зийраклик бу ҳаётни, катта ақл-идрок ва заковат билан яратилган мустақил турмушимизни ҳимоялаш ҳам демакдир. Шундагина тинчлигимиз барқарор бўлади, фарзандларимиз назорати бизнинг муҳофаза қўрғонимиздан четда қолиб кетмайди. Оила деган муқаддас каъбамизнинг хотиржамлигига путур етмайди. Замондошларимиз билан суҳбатларимиз ҳам ана шундай огоҳлик мавзусида бўлди.

Хива тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Матёқуб Мадаминов оташнафас шоир ва баҳодир Паҳлавон Маҳмуд ҳақида бир ҳикоят айтиб берди.

Ҳиндистон шоҳи ўз юртида улуғ байрам бўлаётганлиги, унда етти иқлим полвонлари қатнашишини айтиб, Хива хонига зўр курашчисини юборишини илтимос қилади. Табиийки, ўша вақтда Паҳлавон Маҳмуднинг довруғи оламни тутган пайт эди.

Аммо Хива хони ҳам паҳлавон олдига шарт қўяди: «Йиқилсанг, Хивага қайтиб келма!»

Кураги ерга тегмаган Паҳлавон Маҳмуд Ҳиндистонга жўнайди. Унинг бир одати бор эди: кураш олдидан эл оралаб, улуснинг ҳолидан огоҳ бўлиш ва муқаддас сағаналарни зиёрат қилиш.

Зиёрат чоғида у кўшкли сағана олдида бир кампирнинг йиғлаб ўтирганини кўриб қолади ва сабабини сўрайди.

– Эртага ўғлим Хоразмдан келган бир полвон билан курашга тушади. У полвоннинг таърифи жуда зўр эмиш. У йиқилса, касб-кори бор экан, телпакдўз экан – бир кунини кўрар, аммо бизнинг тирикчилигимиз ўғлимнинг билагига боғлиқ. Ўғлим йиқилса, шоҳ бизни Ҳиндистондан бадарға қилади.

– Хафа бўлманг, ўғлингиз, албатта, ютиб чиқади, – деб Паҳлавон Маҳмуд уни юпатади.

Охир-оқибат ҳамма полвонлар кетиб, майдонда Хива ва Ҳиндистоннинг полвони қолади. Паҳлавон Маҳмуд одамлар орасида кечаги кампирнинг ҳам юрагини ҳовучлаб ўтирганини кўради.

Улар узоқ курашадилар. Паҳлавон Маҳмуд барча амалларини кўрсатиб, ҳиндистонлик курашчидан устунлигини намойиш этади ва охирида унинг олдида тиз чўкади. Бу – мағлублик аломати эди.

Аслида бу зоҳирий мағлубият ботиний музаффарликнинг белгиси эди.

Бу – курашчи ва оташнафас шоирнинг нафақат полвонлик синоатларидан, балки эл-улус ҳаётидан, удумларидан, турмуш тарзидан огоҳлиги эди. Чунки у зийрак эди. Зийрак ва зукко одам эса ҳеч қачон ютқазмайди.

– Мен болалигимдан оппоқ пахталар ичида ўсдим, улғайдим, – дейди мазкур туман пахта тозалаш акциядорлик жамияти раиси Хушнуд Юсупов. – Бу шундай ўсимликки, баъзан уни ўзбек халқининг кўнглига менгзагим келади: оппоқ, мулойим, беозор.

80-йиллардаги оппоқ пахтанинг қора доғларини эслагим келмайди. Оппоқ ният, мулойим кўнгил, беозор интилишни қоп-қора тухмат чодрасига ўрадилар, устига чиқиб тепдилар, топтадилар, бутун бир жамиятнинг иллатлари билан суғордилар оппоқ пахталарни.

Бу кирдикорларнинг барчаси кейин аён бўлди. Ва яна аён бўлдики, бизнинг ишонувчанлигимиз, ён-веримиздаги воқеалардан воқифсизлигимиз, бадниятли кишиларнинг хатти-ҳаракатларидан огоҳсизлигимиз...

Демак, биз ҳар сония ва ҳар дақиқа ўзимиздан, қўни-қўшниларимиз, фарзандларимиздан-да огоҳ бўлиб туришимиз зарур экан. Ахир, ўтган йилги феврал воқеалари ҳеч бир ўзбекистонликнинг ёдидан чиқмайди.

Ҳозир ҳам бизнинг тўққиз йиллик муваффақиятларимиздан кўзи кул бўлаётганлар камми?

Ҳоким бува Паҳлавон Маҳмуд воқеасини шарҳлаб ўтирмади. Ҳаммаси аён эди. Кўприк кўрингунча айиқни ака де, деганлари эҳтимол шудир. Бир паҳлавоннинг тадбиркорлиги билан нафақат кекса онахоннинг кўнгли сув ичди, балки икки халқ ўртасидаги муносабатлар таранглашишининг олди ҳам олинди. Бу аслида закий Паҳлавон Маҳмуднинг авлоду аждодларига ҳам огоҳлик ҳақидаги башорати эди. Чунки у парда ортидаги қабиҳ ниятларга, ёвуз хатти-ҳаракатларга ва билъакс, бир онаизорнинг илтижоларига бепарво бўлмади. Бепарволик нафақат инсон ҳаётининг, балки бутун бир миллат тақдирининг фожиаси эканлигини у яхши тушунарди. Тўғри, бу ҳикоятнинг давоми узун ва қизиқарли. Аммо ҳоким бува унинг суҳбатимиз мавзусига ибрат бўларли томонини баён этди. Хушнуд Юсупов эса ўзбек кўнглининг нозиклигига ташбеҳ топди ва заковат такомили хусусида мухтасар фикрларини айтди.

Заковат такомили эса, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳар қайси шахснинг, аввало, ёш авлод қалбида, жамият, эл-юрт, қўйингки, ота-она олдида масъулият уйғотиши, иймон ва ирода тушунчаларини мустаҳкамлаши каби одамийлик зийнатларини ўз ичига олади.

Зийрак заковат ҳамиша музаффардир!

**Сотим АВАЗ,**
**Эсиргап БОЛИЕВ.**

## КУЧ — БИЛИМ ВА ТАЖРИБАДА

Маслаҳат

**Орамизда шундай тажрибали одамлар борки, улар ўз вақтида хўжалик юритиш борасида барчага намуна кўрсатишган. Эндиликда улар қарилик пенсиясида. Тўғри, уларда аввалги ғайрат бўлмаслиги мумкин, лекин оқсоқоллар бугунги ўзгаришларга лоқайд эмас. Мухбиримиз Қорақалпоғистон Республикасида яшовчи кўпни кўрган, қишлоқ хўжалигини яхши биладиган фахрийларга қуйидаги савол билан мурожаат қилди:**

**— Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни жорий этишга нималар тўсиқ бўлаяпти ва бу тўсиқларни бартараф этиш учун нима маслаҳатлар берасиз?**

**Олимбой ПРИМОВ, иқтисод фанлари номзоди, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган муҳандис:**

– Тармоқдаги ислоҳотлар муваффақияти учун харажатларни қисқартириш талаб этилади. Мисол учун, аксарият деҳқончилик корхоналари маҳсулот етиштириш учун кетадиган сарф-харажатни қисқартириш (бозор иқтисодиётининг талаби ҳам шу эмасми?) учун далаларни электр насослари орқали оқар сув билан таъминлашга ўтди. Биргина шу йилнинг ўзида Қорақалпоғистон электр тармоқлари корхонаси мен билган жанубий туманлар электр манбаларини огоҳлантирмасдан бир неча марта ўчириб қўйди. Нечта электр насосларининг олтинга баробар двигателлари ишдан чиқди, хўжаликлар миллион-миллион сўм моддий зарар кўрди. Бу ислоҳотлар йўлидаги тўсиқ эмасми? Тўсиқ бўлганда қандоқ! Ҳатто Ўзбекистон телевидениесининг «Ахборот» дастури орқали Тўрткўл туманидаги электр истеъмолчиларидан бир-икки нафари дардини айтишган эди, балога қолишди.

Таклифлар масаласига келсак, ҳамма мулоҳазамни йиғиб, биттагина таклифни илгари сурган бўлар эдим: деҳқонни, фермерни моддий манфаатдор қилиш олдинги ўринга ўтмоғи лозим. Мақсадли траншлар ўз йўлига. Лекин деҳқон ўзи сотган маҳсулоти учун вақтида ҳақини олса, унинг бозор томон қўйган қадамлари қатъий бўлади!

**Норбой ЭШМУРАТОВ:**

– Мен, энг аввало, пахтачиликдаги ўзгаришларга кўпроқ эътибор бераман. Тармоқдаги ислоҳотлар йўлига нима тўсиқ бўлаяпти? Агар бу саволга Қорақалпоғистон мисолида жавоб берадиган бўлсак, кўплаб муаммолар ичидан биттасини таъкидламасликнинг иложи йўқ. Гап шундаки, Қуйи Амударё воҳасида энг «қиммат» пахта етиштирилади. Мен ер шўри, сув сарфини назарда тутаётганим йўқ. Бошқа харажатларни ҳам таҳлил қилмоқчи эмасман. Демоқчиманки, бир тонна минерал ўғитга белгиланган темир йўл тарифи Хоразм вилояти ва биз, қорақалпоғистонликлар учун марказий вилоятларга қараганда, 10-15 баравар қимматга тушмоқда. Ахир, пахтанинг харид нархи ҳамма учун бир хил-ку? Бу ҳақда илгари ҳам гапирилганди. Шу масала тезроқ ечилса, айни муддао бўларди.

Бир нарсани очиқ айтаман: биз мустақилликнинг бирдан-бир тўғри йўл эканлигига унинг биринчи нафасидан ишондик. Тўғри қилган эканмиз: ўз ғалламиз, ўз нефтимиз, ўз уловларимиз бор. Тинч осмон остида яшаяпмиз. Бундан ортиқ бахт бўлиши мумкинми? Хоразмда Оллом Маткаримов, Қорақалпоғистонда Йўлдош Шўлоқов деган бригада бошлиқлари бўлар эди. Уларни кўрганда, вилоят раҳбари машинадан тушиб, маслаҳатини оларди. Биз айнан шундай фермерларни шакллантиришимиз керак.

**«Халқ сўзи» мухбири Янгибой ҚЎЧҚОРОВ ёзиб олди.**

## ВАЗИЯТ БАРҚАРОРЛАШТИРИЛАДИ

Хабар қилинганидек, август ойининг бошларида Сурхондарё вилоятининг Тожикистон билан чегарадош тоғли ҳудудларида нотинч вазият вужудга келди. Юзга яқин террорчи Тожикистон орқали Ўзбекистон ҳудудига бостириб кириш учун тўплана бошлади. Хабарларга кўра, босқинчилар Афғонистонда махсус тайёргарлик машқларини ўтаган. Уларнинг мақсади юртимизда қўпорувчилик ҳаракатларини амалга ошириш, наркотик ва қурол-яроғ олиб ўтиш учун йўл очиш, шу билан нафақат мамлакатимизда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида барқарорликка путур етказишдан иборат.

Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйида мазкур воқеа муносабати билан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М.Раҳмонқулов ва ташқи ишлар вазири А.Комилов қатнашди.

Анжуманда таъкидланганидек, айни чоғда террорчи гуруҳлар Ўзбекистон ҳарбийлари томонидан қуршаб олинган. Босқинчиларни йўқотишда Тожикистон чегарачилари ҳам уларга яқиндан кўмак бераяпти.

Ҳаракатланиш қийин бўлган тоғли ҳудудларда террорчиларга қарши курашиш осон эмас. Шунга қарамай, жангариларнинг даралар ва табиий ғорларда писиб юриши узоққа чўзилмайди. Таъкидланганидек, улар қуршовга олинган. Босқинчи тўдаларни бутунлай йўқ қилиб ташлаш учун Ўзбекистон Республикасининг Чегара қўшинлари, Ички қўшинлари, шунингдек, Мудофаа вазирлиги бўлинмалари жалб этилган. Ўзбекистон ташқи ишлар вазири шуни таъкидлар экан, жангарилар тез орада бутунлай йўқотилади ва вазият барқарорлаштирилади, деди.

**(ЎзА).**

*"Халқ сўзи"га жавоб берадилар*

## ТЕРГОВЧИЛАР ПРОКУРАТУРАДАН ЧЕТЛАТИЛДИ

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида истиқомат қилувчи М.Шарапова ўз аризасида эри ва қизи бошига тушган ишни кўриб чиқиш жараёнида терговчилар нохолис йўл тутганликлари сабабли адолат юзага чиқмай қолганлиги тўғрисида куйиниб ёзганди.

Ушбу маъмурий иш Тошкент вилоят прокуратураси томонидан кўриб чиқилди. У ердан таҳририятга хабар қилишларича, Бўстонлиқ туман судининг 1999 йил 28 октябрдаги ҳукми билан Н.Т.Шарапов ЎР ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми "в,д" бандлари билан айбдор деб топилиб, икки йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилган.

Тошкент вилояти прокурори томонидан фуқаро М.Э. Шарапованинг аризаси юзасидан назорат тартибида киритилган протест асосида, Тошкент вилоят суди раёсатининг қарори билан, маҳкум М.Шараповнинг ҳаракатлари ЎР ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмига қайта малакаланиб, ўтаган жазо муддати билан чегараланиб, жазодан озод этилган.

Шунингдек, Бўстонлиқ туман судининг вояга етмаган М.Шараповага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 52-моддаси 2-қисми билан чиқарилган ноқонуний қарори Тошкент вилоят прокурорининг протести асосида вилоят суди раиси томонидан кўрилиб, туман суди қарори бекор қилиниб, прокурор протести қаноатлантирилган.

М.Шараповanинг аризаси асосида вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган текшириш якунлари бўйича Бўстонлиқ туман прокуратураси терговчилари Асқаров ва Жалоловлар вилоят прокурорининг буйруғига биноан, тергов қилишда йўл қўйган хато ва камчиликлари учун эгаллаб турган лавозимларидан озод этилиб, прокуратура идораларидан бўшатилганлар.

**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.**

### Олий Мажлис сессияси олдидан

# ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ: ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ

**Маълумки, иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси муҳокамасига «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам киритилган. Лойиҳанинг асосий моҳияти нимадан иборат? Унда кўзда тутилган ҳуқуқий норма ва қоидалар қишлоқ хўжалиги тараққиётида қандай аҳамият касб этади?**

**Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси Искандар ҚАЛАНДАРОВ билан ана шу хусусда суҳбатлашдик.**

— Авваламбор, ижтимоий ҳаётимизга хос бир ҳақиқатни таъкидлаб ўтишни истардим, — дея гап бошлади қўмита раиси. — Ислоҳотлар чуқурлашгани сайин парламентимизнинг янги-янги қонунлар яратиш борасидаги фаолият доираси кенгайиб боряпти. Бу ўз-ўзидан тушунарли, албатта. Зотан, ҳуқуқий-фуқаролик жамиятини барпо этиш, биринчи навбатда, ҳар жиҳатдан пишиқ, тўлақонли қонунлар яратиш ва уларга оғишмай риоя қилинишини тақозо этади.

Барчага аёнки, мамлакатимиз истиқболга инқилобий сакрашлар орқали эмас, балки босқичма-босқич, қадам-бақадам йўл очмоқда. Мустақил ривожланиш йилларида демократия ва бозор иқтисодиётини эркинлаштириш борасида жиддий силжишга эришилди. Бу ҳаммамизга яхши маълум. Лекин ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Барча соҳада чуқурлашиб бораётган ислоҳотлар моҳиятидан келиб чиқиладиган бўлса, давр руҳига мос янги қонунлар яратиш, мавжуд меъёрий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш айни ҳаётий заруратдир. Ҳар қандай истиқбол дастури муайян соҳа тараққиёти ҳамда инсон манфаатларини кўзлаб тузилади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, навбатдаги сессия муҳокамасига киритилаётган «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эътиборга молик. Нима учун бу масала кун тартибига қўйилди? Кўпчилигимиз қишлоқда ўсганмиз, бинобарин, эл-юртни тўйдириб, кийинтирадиган бободеҳқоннинг қувонч ва ташвишларидан яхши хабардормиз. Қишлоқ хўжалиги экинларини ўстириш ва парваришлаш бир томон бўлса, мавжуд ҳосилни сақлаб қолиш, уни турли касаллик ҳамда зараркунандалардан ҳимоя қилиш бир томон. Янги қонун лойиҳаси ана шу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни изга солиш билан бирга, қишлоқ хўжалигида ўсимликларни ҳимоя қилишнинг аниқ мақоми ва йўналишини белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этади.

**— Кечирасиз, сўзингизни бўламан. Янги лойиҳа илгари шу йўналишда қабул қилинган қонун ёки норматив ҳужжатлардан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?**

— Аввало, бир нарсани эслатиб ўтиш жоизки, қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунанда ҳашаротлар, касалликлар ва бошқа ташқи таъсирлардан асраш тўғрисидаги қонун лойиҳаси биринчи бор ишлаб чиқилди. Уни амалиётга жорий этиш янада мураккаброқ. Тўғри, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонуни амалда. Аммо бу етарли эмас. Қишлоқ хўжалигида юз кўрсатаётган туб ўзгаришлар янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни кун тартибига қўйди.

Лойиҳада мамлакатимиздаги мутасадди вазирликлар, идоралар, қўмиталарнинг ўсимлик дунёсини ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият доираси аниқ баён қилиб берилган. Бошқача айтганда, давлат ўзининг бу борадаги сиёсатини ваколатли органлар ёрдамига таянган ҳолда олиб боради ва амалга оширади. Ўсимлик дунёси ва экинларни турли касаллик ҳамда зараркунанда ҳашаротлардан кафолатли ҳимоялаш, бу борада давлат бошқарувини амалга ошириш, стандартлаш ва сертификатлаш, қайта ишлаш, импорт ва экспорт, биокимёвий препаратларни қўллаш тартиби, уларни сақлаш, юклаш ва зарарсизлантириш билан боғлиқ кўп қиррали масалаларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш янги қонундан кўзланган асосий мақсаддир.

Маълумки, ўлкамиз табиати бой ва ранг-баранг. Турли зараркунанда ҳашаротлар ана шу бойликка жиддий путур етказиши, агар қўйиб берилса, қишлоқ хўжалиги тараққиётини издан чиқариши ҳеч гап эмас. Зотан, республикамиз деҳқонлари ҳар йили табиий таъсирлардан жуда кўп азият чекишади, кутилмаган муаммоларга дуч келишади. Шу жиҳатдан қараганда, юқоридаги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ва депутатлар эътиборига ҳавола этилиши айни муддао, деб ўйлайман. Унда қишлоқ хўжалиги ўсимликларини ҳашаротлар, турли хил касалликлардан ҳимоя қилишга даъват этилган мутасадди ташкилотларнинг ваколат доираси аниқ белгиланган. Бошқача айтганда, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг давлат санитария-эпидемиология хизмати, Давлат фитосанитария назорати ва бошқа тегишли ташкилотлар ўсимликлар дунёсини асраш борасида ҳукумат сиёсатини амалга оширадилар. Лойиҳанинг қатор моддаларида ана шу каби масалаларга кенг ўрин ажратилган.

Албатта, биологик ва кимёвий моддаларни қўллашда уларнинг инсонга, атроф-муҳитга зарарли таъсирини ҳам назардан четда қолдириб бўлмайди. Шу маънода қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ва касалликларига қарши курашда кимёвий дорилардан самади билан фойдаланиш, уларнинг нормаси, муддати, таъсир доирасини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

**— Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёни ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.**

— Ҳеч нарса ўз-ўзидан бунёд бўлмайди. Бу бор гап. Айниқса, мамлакат ва халқ тақдирига дахлдор бўлган қонун ижодкорлиги аниқлик, зукколик тамойиллари билан бирга жаҳоний мезонларни ҳам ўзида акс эттириши лозим. Чунки ҳар бир қонун моҳият-эътибори билан келажакка, инсон манфаатларига хизмат қилади. Шундай экан, парламентимиз, унинг таркибий қўмиталари, депутатлар зиммасига нечоғли катта масъулият юклатилганини ҳис қилиши қийин эмас. Қолаверса, ҳар жиҳатдан пишиқ ва мустаҳкам ҳуқуқий замин яратмай туриб, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги кенг қамровли вазифаларни муваффақиятли амалга ошириб бўлмайди.

Юқоридаги қонун лойиҳасига келадиган бўлсак, айтиш мумкинки, бу яқин икки йиллик тинимсиз меҳнат ва изланишлар маҳсули сифатида дунёга келди. Тўғриси, бу жараён осон кечгани йўқ. Уни тайёрлаш давомида маҳаллий шарт-шароит, аҳоли менталитети, қишлоқ хўжалигига фитосанитария хизмати кўрсатишнинг бугунги аҳволи, мавжуд экологик вазият — ҳамма-ҳаммаси ҳисобга олинди. Лойиҳа матни ҳозирча ўттиз тўрт моддадан иборат. «Ҳозирча» деяётганимнинг боиси — уни бойитиш ва мукаммаллаштириш борасидаги иш ниҳоясига етгани йўқ. Демак, янги фикрлар, қўшимча ғоялар туғилиши учун имконият мавжуд. Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган ушбу ҳужжат қўмита йиғилишларида бир неча бор муҳокама қилинди, давра суҳбатлари ўтказилди. Қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича тармоқ вакиллари, мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи тузилган. Билдирилган таклиф-мулоҳазалар атрофлича ўрганилмоқда. Дунё банкининг мутахассислари ҳамда халқаро экспертлар ушбу ҳужжат билан танишиб, унга юқори баҳо беришди. Лойиҳа матни Олий Мажлис депутатларига ўз вақтида етказилди. Ҳозирги кунда улардан тушаётган фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, шу асосда қизғин иш олиб борилаяпти.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, халқимиз ва мамлакатимизнинг ҳаётий манфаатлари қишлоқ хўжалигини жадал, собитқадам ривожлантиришни тақозо этмоқда. Бу эса, табиийки, тармоққа агрокимё хизмати кўрсатиш сифати ва кўламини ошириш, ўсимликларни турли хил касаллик ҳамда зараркунанда ҳашаротлардан кафолатли ҳимоялашга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Мазкур қонуннинг амалиётга жорий этилиши атроф-муҳит экологияси ҳамда қишлоқ хўжалиги тараққиётига самарали таъсир кўрсатади, деб ўйлайман.

**«Халқ сўзи» мухбири Носир ТОШЕВ суҳбатлашди.**

## ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Нукусда Қорақалпоғистон Жуқорғи Кенгеси, Вазирлар Кенгаши ҳамда тегишли вазирликлар, қўмиталар раҳбарларининг оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини ҳаётга татбиқ қилиш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида журналистлар олдида турган вазифалар тўғрисида фикр юритилди. "Халқ сўзи", "Ўзбекистон овози" газеталари, Ўзбекистон телерадиокомпанияси ҳамда "Вести Каракалпакстана" газетаси мухбирлари бу борада ўз имкониятларидан доим ҳам тўла фойдаланмаётгани, таҳлилий материаллар кам ёритилаётгани таъкидланди.

Учрашувда Қорақалпоғистон Жуқорғи Кенгеси раиси Т.Камолов нутқ сўзлаб, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш, янги жамият қуришдаги иштирокини фаоллаштириш, хусусан Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини кенг тарғиб қилиш борасидаги вазифалар хусусида гапирди. Мулоқот жараёнида ҳар икки томон учун ҳам фойдали фикрлар ўртага ташланди.

Қўшхабар

## ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР КЎПАЯДИ

Нукусдаги "Прогресс" тил ўрганиш марказида аҳолига микрокредитлар ажратиш масаласига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда нохуш экологик муҳитдаги Оролбўйи ҳудуди аҳолисига БМТ ва бошқа хорижий нодавлат ташкилотлари, жамғармалари томонидан берилаётган имтиёзли микрокредитлар кам таъминланган оилалар иқтисодини яхшилаш, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга амалий ёрдам бераётгани, бундай кўмаклар миқдорини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Семинарда Жаҳон ва Осиё тараққиёт банклари, Оролни қутқариш халқаро жарғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси вакиллари сўзга чиқиб, микрокредитларни олиш, ундан самарали фойдаланиш бўйича ўз фикрларини билдирдилар. Ҳисобларга кўра, йил охиригача микрокредит олувчилар сони 500 нафардан ортади.

**А. ИСКАНДАРОВ, ЎзА мухбири.**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

***• Россия ҳарбийларининг билдиришича, якшанба куни Гудермес, Грозний, Ножай юрт ва Урус Мартанда жангарилар билан федерал қўшинлар ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтган. Жанглар натижасида 160 нафар жангари йўқ қилинган.***

***• Сербия мухолифати оғир аҳволда қолди. Югославиянинг амалдаги давлат раҳбари Слободан Милошевич октябр ойида бўладиган президент сайловида бир йўла икки рақиб билан майдонга тушади. Рақибнинг ягона эмаслиги ва мухолифатнинг тарқоқлиги унга ғалаба келтириши мумкин.***

***• Исроил ҳукумати "Ҳамас" ҳаракати етакчиларидан бири Абдуқодир Идрисни озод қилди. У олти йил аввал ҳибсга олинган эди. Исроил ҳукумати фаластинлик маҳбусни озод этиш билан Кемп-Дэвиддаги самарасиз саммитдан сўнг боши берк кўчага кириб қолган тинчлик музокараларини яна давом эттириш истагини билдираётир, дейди мамлакат радиоси.***

***• АҚШда сўнгги эллик йил ичида юз бераётган энг кучли ўрмон ёнғинлари билан курашга ҳарбийлар ҳам сафарбар этила бошлади. Орегон штатида фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Ўт ўчирувчилар етишмаётгани боис бу ерда олов соатига бир неча ўн километр тезлик билан тарқалмоқда.***

***• Нигерия соҳили яқинида паром ҳалокатга учради. Оқибатда 40 киши ҳалок бўлди. Олинган хабарларга кўра, Нигериянинг Калабар портидан 90 нафар йўловчиси билан Камерун томон ҳаракатланаётган паром кучли довул натижасида ағдарилиб кетган. Йўловчиларнинг 45 нафари омон қолган. Яна бир неча кишининг тақдири номаълумлигича қолмоқда.***

***• Жанубий Корея билан КХДР ўртасида турли соҳалар вакилларининг ўзаро борди-келдиси борган сари кўпаймоқда. Хусусан, ўтган куни Корея Республикаси оммавий ахборот воситаларининг элликка яқин раҳбар ходими Шимолий Корея президенти Ким Чен Ирнинг таклифига биноан ушбу мамлакатга борди.***



## ЗАМОНАВИЙ АВТОКЕМПИНГ

Пахтачи туманида яшовчи кекса педагог, меҳнат фахрийси Бобомурод ота Тошев савоб ишга қўл урди. Ота етти нафар фарзанди — ўғилларига бош бўлиб, туман ҳудудидан ўтган йўл бўйида автокемпинг бунёд этди.

Бу ерда автомобил тўхташ жойи, уларга хизмат кўрсатиш шохобчаси, тамаддихона, меҳмонхона ва чойхона мавжуд.

Яқин орада автокемпингда нон ва колбаса ишлаб чиқариш цехи ҳам ишга туширилади. Натижада тумандаги 150 нафар ёш иш билан таъминланади.

**СУРАТЛАРДА: пардозчи Дилмурод Баҳриев; мармарга сайқал берувчи усталар Исобой Бозоров ва Нурмат Омоновлар.**

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**



**Қадим-қадимдан қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш энг ажойиб урф-одатларимиздан бирига айланиб қолган. Навбаҳор туманида бу масала янгича мазмун билан бойиди.**

## МУСТАҚИЛ ҲАЁТ БЎСАҒАСИДА

— "Соғлом авлод йили" дастури доирасида ўтказаётган тадбирларимиз орасида "Қизлар мустақил ҳаёт бўсағасида" деб номланган кўрик-танлов ҳаммага манзур бўлмоқда, — дейди туман ҳокими муовини, педагогика фанлари номзоди Анора Бобомуродова. — Негаки, бундай анжуманлар ҳар бир ота-онани, айниқса, балоғат ёшидаги ўспиринларимизни мустақил фикрлашга, удумларимизга мос равишда қадам ташлашга даъват этмоқда.



Янгийўл қишлоғида ўтган шундай кўрик-танловда иштирок этиб, ушбу фикрга тўлиқ қўшилдик. "Ўзбекистон", "Мирзамўмин", Ортиқ Фармонов номли, "Пахтакор", "Мавлонбобо" маҳаллаларида ғолиб деб топилган беш ибратли қиз бўлғуси ҳаётга тайёргарликларини намойиш этди. Улар ўз иқтидори, билими, маҳорати, пазандалигию одоби билан ажралиб турарди.

Йил бошидан буён давом этиб келаётган бундай кўрик-танлов самараси кўзга ташланиб турибди. Шу йилнинг ўтган даврида туманда келин тўйлари сони икки баробар ошгани ҳолда, ажралишлар кескин камайди.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

# САОДАТ КАРВОНИ

Мустақиллигимиз тўққиз ёшга қадам қўйди! Тобора юксалаётган қудратли тоғнинг тўққизинчи нурафшон довонидек, жаҳоннинг тўрт тарафидан у гуркираб кўринмоқда. Тўққиз йил тарихан кичик муддат. Лекин унинг замиридаги маъно асрларга тенг. Унга узоқ-узоқ йўллар босиб келинди. Бу йўллар ҳам олис, ҳам хатарли, ҳам мураккаб эди. Ўз умрим давомида мен ҳам бу йўлнинг айрим кескин бурилишларини, ўпқонли — қонли лавҳаларини болалик идроким ила ҳис этганман, десам бўлади. Тасаввур этинг, Қашқадарё вилоятининг бепоён кенгликлари аро жойлашган оддий бир қишлоқ. Мактабнинг илк синфига эндигина борган маҳалим. Доскага ўқитувчимиз Ҳамро опа Суярова "1937" йил деб бўр билан ёзгани эсимда. Ўша йиллари қандайдир катта сайловга тайёргарлик тантаналари давом этаётганига қарамай, одамлар чеҳрасида номаълум, оғир бир безовталик борлигини билардик. Мактабимиз рўпарасидаги хонадоннинг ташқи ҳовлиси милиция кийимидаги отлиқлар билан тўла кунни унутолмайман. Улар шитоб билан ўз уйларидан "юлиб" олиб келинган оддий деҳқонларни хонага судраб киргизиб, сўроқ қилар эдилар. Одамларнинг юз-кўзида қўрқинч, ноаниқ бир изтироб ҳоким эди. Кимларнингдир отаси, рўзғор тебратувчиси — жами 12-13 кишини — оддий, чаласавод колхозчини олиб келиб, оғир жазоларга ҳозирламоқда эдилар. Кейинчалик англасак, марказдан келган катта раҳбарлардан бири пахта даласига ўтлаб кириб қолган бир неча қўй-эчкини кўришган экан. Ҳукуматга, давлатга қарши аёвсиз исён, деб баҳолашган улар. Халқ душмани деган тушунчанинг ўзи нима эканлигини ҳам билмаган бечора деҳқонлар шу ҳолича "борса-келмас"ларга бадарға қилиниб, йўқ бўлиб кетишди. Шулардан биттасигина неча йиллардан сўнг нимжон-ногирон ҳолатда юртига қайтди. Яна эслайман: амаким кўчадан гап топиб келиб, отамга шундай деган эди: "Ака, ҳозир уч киши бир жойга тўпланиб, гаплашиб ўтириши мумкин эмас эмиш". Нега? Нима учун? Тушунолмасдик.

Бу аламли тарихни қишлоғим аҳли ҳали-ҳамон ўртаниб эслашади. Бу бутун мамлакат бўйлаб қулоч керган катта одамкушлик бўронининг кичик бир лавҳаси, холос...

Кейинчалик, 50-йилларда Тошкент дорилфунунининг охирги курсларида ўқирдик. Ажойиб домлаларимиз бор эди, ҳар бири бир дунё. Уларнинг сабоғини тинглаш учун бошқа куллиёту бошқа босқичлардан ҳам талабалар, ҳатто домлалар дарсхонамизга келишарди. Ҳамид Сулаймон, Мақсуд Шайхзода, Аюб Ғулом каби домлаларнинг дарс бериш санъати, уларнинг чуқур билими, тингловчини забт этиш маҳорати мислсиз эди. Биз бахтиёр эдик. Ҳар бир дарс улкан бир кашфиётдек, нигоҳимизда янги уфқлар очар эди... Ногоҳ эшитиб қоламиз: "Шайхзода домла қамалибди", "Ҳамид Сулаймон домлани олиб кетишибди. Улар космополит, халқ душманлари эканлар". Во ажаб, қандай қилиб? Қулоқларимизга ишонмасдик. Кейинчалик тушунсак, бу қилмишлар — халқнинг дурдона фарзандларини қирғин этишга қаратилган "иккинчи тўлқин" экан. (Бундан олдин ҳам Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби ўнлаб буюкларимизни супуриб кетган тўлқинлар бўлган-ку!). Ўша тўлқин куни кеча асарларини мароқланиб ўқиган ижодкорларимиз Саид Аҳмад, Шуҳрат ва бошқаларнинг бошига ҳам тушганини билдик. Ажойиб шоирамиз Саида Зуннунова, Туроб Тўлаларни ҳам не аҳволларга солгани ҳаммага маълум...

1980 йилларда "Ўзбек иши", "Пахта иши" номи билан халқимиз бошига офатлар ёғдирган учинчи тўлқиннинг даҳшатларини унутиб бўладими? Уни биз ўз кўзимиз билан кўрдик. Ҳа, шу гаплар бўлиб ўтди. Уни эслашнинг ўзи нақадар оғир...

Бу гапларни эслашдан мақсад — буюк Мустақиллигимиз моҳиятини яна бир бор теранроқ ҳис этиш. Чунки Истиқлол бизга ўз юртимизни, ўз миллий қадр-қимматимизни, ўзлигимизни, эрку ҳақ-ҳуқуқимизни, ўз юртида ўз номи, ўз тили, ўз дини билан озод яшаш бахтимизни қайтариб берганлигини яна бир бор буюк миннатдорчилик билан таъкидлаш. Бу ҳазилакам гап эмас. Мустабид тузумнинг катта "Марказ"дан йўналтириладиган қонли панжасидан халқимизни, Ўзбекистонимизни қутқазиб, ўзимизга қайтариб берган Мустақилликни ҳар қанча улуғласак камлик қилади. Юртбошимиз айтганларидек, халқимиз Мустақилликни осонликча қўлга киритгани йўқ. Уни миллатимизнинг гули бўлган не-не асл ўғлонларнинг тўккан муқаддас қони, неча асрлик машаққатли курашлар эвазига қўлга киритдик. Бу ҳақиқатни ҳар биримиз ҳар лаҳза ёдда тутишимиз керак. Уни авайлаш, ардоқлаш, унга фидоий бўлишга ҳар лаҳза шай бўлишимиз керак. Худо кўрсатмасин, ана шу Истиқлолимиз бўлмаганда, яна неча-неча "тўлқин"лар бошимизга ёпирилар эди. Айниқса, ёш авлодимиз бу ҳақиқатни янада чуқурроқ тушунишига эришмоғимиз — ҳаётий зарурат.




Мустақиллигимиз ҳадя этган беҳисоб неъматларни санаб ўтишнинг ўзи ҳам ўнлаб дафтарларни тўлдиради. Бир қарашда оддий — одатийдек туюладиган бундай залворли ўзгаришлар замирида қандай маънолар борлигини ҳамиша ҳам идрок эта оламизми?.. Авваллари хаёлга келтиришнинг ўзи афсона бўлиб туюлган ҳақиқатларни кўриб турибмиз. Инсофи бор ҳар бир одам буни англайди. Ўйлаб кўринг, илгари биз қизил бир мамлакатнинг кичик бир бўлаги — хомашё томорқаси эдик. Энди бутун оламга маълуму машҳур Ўзбекистонмиз. Ўзбек тили, яъни она тилимиз Давлат тили деган юксак мақомга кўтарилди. Ислом динимиз ўзининг олижаноб мақсаду муддаолари билан халқимиз қалбини ёритиб турибди.

Имом Бухорий, Ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Ясавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Мотурудий каби ўнлаб азиз авлиёларимиз бой мероси халқимизнинг фахрига айланди. Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Алпомишлар, Тўмарислар ўз халқи бағрига қайтди. Тошкент, Самарқанд, Хива, Бухоро каби қадимий шаҳарларимиз салкам уч минг ёшга етиб, Истиқлолимиз шарофати ила қурган оламшумул тўйлари жаҳонга маълум. Уларнинг ёнига яқинда Термиз ҳам қўшилади, иншооллоҳ. Энг мўътабар байрам сифатида қарор топган Мустақиллик байрами, Наврўзнинг гуркираган халқона балқиши, Рўза ва Қурбон ҳайитлари, Муқаддас Ҳаж сафарларининг мунтазамлиги... барчаси Истиқлол шарофати. Ғалла, нефть, олтинимиз ва барча бойликларимиз тўла ўзимизники. Бу ҳам Истиқлол шарофати.

Ҳозирги вилоятларимиз қиёфасини, шаҳарларимиз кўркини яна бир тасаввур этмоқчи бўлган одам, ҳеч бўлмаса, Гулистон ёки Жиззахни бир оралаб қайтсин. Бутун бир гўзаллик оламини ўз кўзи билан кўради. Вилоятларимиз қиёфасининг ранг-баранглиги, ҳар бирининг чиройли бир кўринишда ўзига хослиги — халқимиз ягоналиги, яхлитлигини янада кўркамлаштириб, гўзал, сўлмас бир гулдаста сифатида намоён этади. Бу ижодкорлар аҳли учун ҳаяжонли асарлар яратишнинг сўнгсиз илҳом манбаидир.

Тўққиз йилимиз ичида эришилган ютуқларимиз, хайрли ишларимиз манзарасини яхлит бир ҳолда тасаввур этишнинг ўзи нақадар мароқли! Буларни санайверишнинг ўзидан қанча завқ оласан, киши. Лекин ҳамиша ҳам уларнинг ич-ичидаги теран моҳиятларга шўнғиб, тафаккур эта оламизми? Қаердан келди бунча саодат карвони? Оллоҳ назар солган юртимизнинг ҳар бир фарзанди бу масала устида албатта фикр юритиши керак. Ҳеч нарса ўз-ўзидан юзага келмайди. Катта жасоратлар, ўзлигидан кечиб намоён этилган қаҳрамонлик, донишманд ақл ва аниқ амалиётдан йўғрилган мардликдан туғилади бу зафарлар.

Халқимизнинг шу асрий армонларини амалга оширишнинг бош ижодкори ва раҳнамоси бўлган Президентимиз Ислом Каримовнинг буюк жасоратли меҳнати қалбларимизни ифтихор туйғуси билан тўлдиради.

Лекин ифтихор туйғуси доимий масъулият, фидойилик, ҳушёрлик ва огоҳликни, мақсадга йўналтирилган фаолиятни, элим, юртим деб ёниб яшашни, меҳнат қилишни тақозо этишини асло унутиш мумкин эмас. Ҳамма эришган зафарларимиз турли рангларда жилоланиб, бизни бир лаҳза бўлса-да ғафлатга ундамаслиги керак. Дунё ҳодисаларини, воқеаларининг мағзи-мағзидаги маъноларни воқифлик ила идрок этиш, миллий онгни, миллий ғояни, миллий мафкурани бутун салобати билан ҳаётга сингдириш, айни замонда илғор жаҳоний сарчашмалардан оқилона фойдалана билиш катта бахтдир. Яшириш керак эмас, ҳалиям орамизда камчиликлар, айрим етишмовчиликларни устма-уст рўкач қилиб, ғойибдан қандайдир фаровонликлар ёғилишини кутиб юрган юртдошларимиз бор. Уларга фақатгина натижа керак. Натижа, самара эса фақат самимий, фидойи меҳнатдангина юзага келишини биламиз-ку. Мустақилликни мустаҳкамлаш деган ишга ўзинг нима ҳисса қўшаяпсан, деган саволни ўзимизга-ўзимиз кўпинча беролмаймиз. Қўл қовуштириб ўтириш, кимдандир марҳаматлар кутиб яшаш — халқимиз руҳиятига асло мос келмайди.

Ўзбек халқи дунёдаги энг ижодкор, энг меҳнаткаш, ориятли халқлардан. Унинг тарихи, билим олами, санъати, маҳорати, мусиқаси дунёда тан олинган. Унинг бой ўтмиши, мардона бугуни, порлоқ эртаси шуни тақозо этади. Юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз беғуборлиги, осмонимиз мусаффолиги — асл муддаомиз. Диёримиздаги барча халқу элатларнинг аҳил оила бўлиб, мўъжизалар яратиб яшаётганлигини кўриб, Истиқлол деган олий илоҳий неъматни қанча бошимизга кўтарсак, шунча оз. Яхшилик, эзгулик юкини ортган саодат карвонлари юртимиз бағридан жой олаверсин.

**Жуманиёз ЖАББОРОВ.**

